

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят кенгаши сессияси

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар гуруҳлари вилоят бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари иштирок этди.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмад-жон Усмонов бошқарди. Сессияда вилоят прокуратураси томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига бўшаб қолган 18-Зафар, 36-Оққўрғон, 45-Келес сайлов округларида ўтказилган сайлов якунлари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияларининг 2011-2013 йил шу кунга қадар фаолияти таҳлили ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг айрим доимий комиссияси раислари фаолиятини қайта

кўриб чиқиш ва уларнинг таркибига ўзгартириш кiritиш, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши айрим депутатларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, бўшаб қолган сайлов округларида депутатлар сайловини ўтказиш, "Чикиндилар тўғрисида" - ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш ва сифатли хизмат кўрсатиш тизимини янада кучайтириш тўғрисидаги ҳамда бир қатор ташкилий масалалар муҳокама этилди ва ҳисоботлар тингланди. Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Тадбир

ФАХРИЙЛАР ҲАР ИШДА ҲАМРОҲ ВА ИБРАТ

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватловчи "Нуроний" жамғармаси вилоят кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда кенгаш аъзолари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари ҳамда туман ва шаҳар ҳокимлари иштирок этди.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан "Нуроний" жамғармаси Марказий кенгаши раиси, сенатор Эркин Бокитбоев сўз олиб, жамғарма вилоят бўлимининг кейинги йиллардаги фаолиятига тўхталар экан, унинг олдида турган асосий мақсад ва вазифалар ҳусусида фикр юритди.

Қайд этилганидек, нуронийларни ижтимоий муҳофаза қилиш, маънавий қўллаб-қувватлаш, амалга оширилаётган муҳим ижтимоий-иқтисодий жараёнларда уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан янада унумли ва самарали фойдаланиш жойлардаги кўплаб масалаларга ижобий ечим топишда беқиёс ўрин тутаяди.

Бу ўз навбатида, жамғарма ва унинг жойлардаги бўлиналари фаолиятини ислоҳ қилиш, етарли шарт-шароитлар яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик кўламини янада кенгайтиришни тақозо этади.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Раҳматилла Шералиев "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раислигига сайланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Аҳмад-жон Усмонов сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Бунёдкорлик

«ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР – ОБОД ТУРМУШИМИЗ МЕВАСИ»

дейди Чиноз туманидаги "33-хўжаликларaro механизациялашган кўчма колонна" масъулияти чекланган жамияти раиси Аҳмадали Худойбергaнoв



Халқимизда бир гап бор: "Уста кулолнинг кўлига тушса, лой ҳам санъат асарига айланади". Курувчиларнинг меҳнати ҳам аслида шундай, назаримда. Яхши ният билан бинонинг пойдеворига биринчи ғишт қўйилгач, у қад ростлаб, то фойдаланишга топширилгунча

кадар бўлган катта меҳнат жараёнини муваффақиятли босиб ўтиб, гўзал ва муҳташам бино барпо этиш ҳам бир санъат!

– Қаранг, юртимиз, вилоятимиз, чекка қишлоқларимиз ҳам қандай чирой очмоқда, – дейди Аҳмадали Худойбергaнoв. – Мана бу замонавий уй-жойларни

обод турмушимиз меvasи дегим келади. Бу уйлارни ўзимизнинг қишлоқ йиғитлари қуришган. Уларнинг ишига қараб, ўзимнинг ҳам ҳавасим келади. Бугуннинг курувчиси катта билим эгаси бўлиши шарт! Ҳар бир ишчимиз малакали, қўли гул. Янги ишчиларимизга тажрибали усталар ўз иши

ни ўргатиб боришади. Белгиланган лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойлар, капитал-реконструкция қилинаётган ўқув бинолари учун замонавий, пишиқ ва чидамли қурилиш материаллари танланади. Туркистон қишлоғи "Маданият" маҳалласи, Чиноз қишлоғи "Гулзоробод" ма-

ҳалласи, Ўзбекистон қишлоғи "Чорвадор" бўлимида намунавий лойиҳа асосида қурилган янги уй-жойлар, 3-мактабнинг 630 ўринли янги биноси, капитал таъмирдан чиқарилган 8, 12, 23-мактаб бинолари, туман марказидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабининг кўркам ва

обод бинолари кўзни қувонтиради. "33-хўжаликларaro механизациялашган кўчма колонна" масъулияти чекланган жамияти раиси Аҳмадали Худойбергaнoвнинг айтишича, жамиятда янги иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, 2011 йилда металл-пластикдан эшик ва дераза ромлари ясайдиган цех ишга туширилди. Бундан ташқари, арматурадан қурилишда фойдаланиладиган металл конструкциялар ва бетон-қоришма тайёрлаш цехлари очилиб, 20 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Аҳмадали Худойбергaнoв раҳбарлик қилаётган жамоа кейинги икки-уч йил ичида 100 дан ортиқ бино қуриб, таъмирлаб, фойдаланишга топширди. Бундан ташқари, А. Худойбергaнoв Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, қишлоқ одамларининг турмуши ва муаммоларини ўтганда ва ҳал этади. С. Раҳимов номли фермерлар уюшмаси ҳамда Чиноз қишлоғи "Чорвадор" маҳалласи аҳолисининг оғирини енгил қилиб, тоза ичимлик суви муаммосини ҳал қилишда, "Олмазор" шаҳарчасидаги ички йўллардан бирини таъмирлашда кўчма колонна ҳомилийк ёрдами кўрсатди.

Шунингдек, тумандаги қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи билан корхона ўртасида шартнома имзоланиб, талабаларни касбга йўналтириш бўйича амалиёт ўтлашлари учун зарур шароитлар яратилган.

Гулбахор Ортиққўжаева, Орзиккул МАЪМУРОВА, СУРАТАА: (ўртада) Аҳмадали Худойбергaнoв ҳамкасблари билан қурилиш лойиҳасини муҳокама қилмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

Қарор ва ижро

КУНГАБОҚАР ЁҒИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Ёғ-мой ишлаб чиқариш соҳаси Ўзбекистон озиқ-овқат саноатида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Мамлакатимиз агросаноат комплексида интеграция жараёнини тақомиллаштириш ва чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатаётган

ушбу тармоқ маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш, хом ашёдан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, аҳоли эҳтиёжи ва бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мўйли ўсимликларнинг юқори ҳосил бериши, корхоналар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, ички бозорда уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабнинг ошиши билан бевоcита боғлиқ-

дир. Тармоқда фаолият кўрсатаётган 39 корхона орасида пахта ва кунгабоқар ёғи, маргарин, майонез, хўжалик ҳамда атирсовун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ҳам бор. 2013 йилнинг биринчи чораги бўйича ушбу корхоналар томонидан

64,93 минг тоннадан зиёд ўсимлик ёғи, 11,2 минг тонна маргарин маҳсулоти, 15,16 минг тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилиди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг катта ҳажми "Урганч ёғ", "Тошкент ёғ-мой комбинати", "Қарши ёғ-экстракция", "Косон ёғ-эк-

тракция", "Учқўрғон ёғ", "Фаргона ёғ-мой" очик акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар улушига тўғри келмоқда. Уларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган "2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштириш янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тузилган Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари

уюшмаси таркибига қиради. Мазкур уюшмадан маълум қилишларича, илгари тармоқ корхоналари асосий эътиборни пахта ёғи ишлаб чиқаришга қаратган бўлса, бугун кунгабоқар, соя, махсар ёғлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирмоқда. Шу муносабат билан кунгабоқар ва бошқа мўйли ўсимликлар етиштирилаётган экин майдонларини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. (Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳокими топшириқлари қандай бажарилаяпти?

Ўқув йили тугаяпти, оромгоҳлар қачон битади?

Умумий ўрта таълим мактабларинда ҳадемай, сўнги кўнгирак чалиниб, ўқувчиларнинг навбатдаги ёзги таътиллари бошланади. Демак, минг-лаб ўқувчилар тоғли ҳудудлардаги гўзал манзарали ва соя-салқин оромгоҳларга отланишади.

Анъанага мувофиқ, йилнинг шу даврида вилоятимиз тасарруфидидаги барча болалар оромгоҳлари ҳар жиҳатдан мавсумга шай қилиб қўйилади. Токи болалар ёзги таътиллариини гўзал табиат қўйнида яйраб, турли фойдаланиш тадбирлар ўтказиб, ҳам саломатликларини тиклаб, ҳам жисмонан янада чиқиб, янги ўқув йилига хуш кайфият, ўзгача иштиёқ билан қайтсинлар.

Биз Бўстонлик туманидаги бир қатор болалар оромгоҳларида бўлиб, "Болалар ёзи-2013" мав-

сумига тайёргарлик ишларининг аҳоли билан таъинишдик. Жумладан, Олма-таш болалар оромгоҳлари комбинатининг "Металлург" оромгоҳида амалга оширилган ишлар диққатга сазовор. Юсуфхона қишлоғининг гўзал ҳудудида жойлашган оромгоҳ ётоқхоналари таъмирланиб, эски қаравотлар алмаштирилди. Ошхона ва тиббиёт хонасидаги эскирган санитария-техник жиҳозлар олиб ташланиб, янгилари қўйилди. Чўмилиш ҳовузи тартибга келтирилиб, атрофига бордюр ётқизилди.

Душхона, қизлар гигиена хонаси девор ва полларига кафель тўшалди. Бекобод металлургия комбинатининг "Ёшлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам тайёргарлик ишлари кўнгилдади. Бу оромгоҳ ҳам сўлим Юсуфхона қишлоғида жойлашган бўлиб, 17,6 гектар майдонни эгаллаган. Бир йўла 360 ўқувчи дам олиши мумкин. Атрофи тўлиқ ўралган. Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими марказлашган. Икки қаватли ётоқхоналар ҳамма кўшмача бинолар 2008 йилда янгидан қурилган.

(Давоми 2-бетда).

Бугуннинг гапи



ҲОРМАНГ, ПИЛЛАКОРЛАР!

Вилоят маънавий ва маърифат марказида вилоят ҳокимлиги ҳамда "Ўзбекистон ипаги" уюшмаси ҳамкорлигида вилоят пиллакорлари учун "Ҳорманг, пиллакорлар!" шиори остида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

"Ўзбекистон ипаги" уюшмаси масъул ходимлари, пиллакорлар, агрономлар, хотин-қизлар кўмиталари ва қишлоқ фуқаролар йиғини раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда сўз олганлар, мамлакатимизда соҳа ривожига оид лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида ипақ курти боқиб шароити яхшиланаётгани, пиллакорлар меҳнатига тўланаётган ҳақ ортиб бораётганини таъкидлашди.

Бу йил вилоятимизда бир ярим минг тоннадан зиёд пилла етиштириш режалаштирилган. Тайёрлов корхоналари уч ярим мингдан ортиқ фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузган. Бунинг учун уларга 18 минг қутига яқин хори-

жий ва маҳаллий ипақ куртлари тарқатилди. Шунингдек, "Тошкентпахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари қурган махсус корхоналарда 750 қути курт парвартилаб, 45 тонна пилла етиштириш режалаштирилган. Хитойдан келтирилган тут ниҳолларидан 80 гектар янги интенсив тутзорлар барпо этилди. Пиллачилик мавсумини ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида ташкил этилган тадбирда, 30 дан зиёд пиллакорлар уюшманинг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бекзод ҲИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ЎзЛиДеП вилоят кенгаши ташаббуси билан Анрен шаҳридаги "Нуробод шифохонаси"да "Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзусида даяра суҳбати бўлиб ўтди.

ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Суҳбат давомида тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш партия олдидаги асосий вазифалардан экани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ёш тадбиркорларда кўникмани шакллантириш, иш юритишни ўргатиш, бунга малакали мутахассисларни жалб этиш масаласи ҳам кўрилди.

ЯНГИ МАҲАЛЛАЛАР

Зангиота тумани Кўксарой қишлоғи "Шамсиобод" ва "Қорабўрик" маҳаллаларида аҳоли зич бўлиб, ҳар бирида 1200-1300 оила истиқомат қилади. Шу боис маҳалла фуоляри ва аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида иккита янги маҳалла ташкил этилди.

"Шамсиобод" иккига бўлиниб, "Бештерак", "Қорабўрик"дан ажратилган ҳудуд эса "Беруний" деб номланди. "Бештерак" МФЙга 587 га яқин оила бириктирилди. Янги маҳалларда саккизта доимий иш ўрни яратилди.

Ўз мухбиримиз.

Қарор ва ихро

КУНГАБОҚАР ЁҒИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизнинг кунгабоқар этиштириш салоҳияти анча юқори. Жорий йилда кунгабоқар этиштириш учун 40 минг гектар ер ажратилган бўлиб, шунинг 35 минг гектари уюшма корхоналари учун ҳам ашё етказиб беришга мўлжалланган.

етказиб бериш бўйича шартномалар тузган. Бугунги кунда кунгабоқар уруғининг катта қисми "Тошкент ёғ-мой комбинати", "Когон ёғ экстракция", "Учкўрғон ёғ", "East Oil", "OR Golden oil" очик акциядорлик жамиятлари учун ҳам ашё етказиб беришга мўлжалланган.



нинг инновация голяри, технология ҳамда лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномалар тузиш ишлари, шунингдек, халқаро сифат стандартларининг жорий этилаётгани соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

аҳолининг овқатга ишлатилган ҳидсиз, қадокланган ёғ маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ таъминлаш имконини бермоқда. Ёғ-мой саноати корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналириларида 6,44 миллион доллар миқдоридagi инвестициялар ҳам уларда ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга кўмаклашади.

Шу кунларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ўрта махсус, касб-хунар ва халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда "Мутахассислик сенинг келажагинг" кўргазмасини ўтказмоқда.

МУТАХАССИСЛИК СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГ

Умумтаълим мактаблари битирувчилари касб танлашларига ёрдам бериш, уларни касб-хунар коллежларидаги мутахассислик билан таништириш мақсадида ташкил қилинаётган кўргазмаларда ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар ўзларидаги мутахассислик ва йўналишлар, талабалар учун яратилган шарт-шароитлар, ташкил этилган тўғарақлар, клублар ва марказлар тўғрисидаги тақдиротлар билан иштирок этаяпти.

Умида ИСАЕВА.

ФАОЛАР УЧУН СЕМИНАР

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари учун уч кунлик ўқув-семинар ташкил этилди. Фуқаролик йиғинлари раислари, масъул котиблар, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ҳамда посбонлар иштирок этган семинарда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.

Вилоят ҳоқими топшириқлари қандай бажарилаяпти?

Ўқув йили тугаяпти, оромгоҳлар қачон битидади?



Бироқ Бўстонлик туман эпидемиология назорати маркази берган маълумотларга қараганда, барча болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ишлари кўнгилгаддек бораёпти деб бўлмайди. Масалан, "Максам-Чирчиқ" корхонасининг Оқтош қишлоғида жойлашган "Кимёгар" болалар соғломлаштириш оромгоҳида қурилаётган 4 та ётоқхонадан икkitасининг ҳали томи ёпилмаган, деворларига эндигина гишт терилаяпти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

60 Ёшли БИТИРУВЧИЛАР

Зангиота тумани, 14-умумтаълим мактабида "Китоб - маънавиятнинг икки қаноти" деб номланган хайрия марафони ўтказилди. Тадбирга Ўзбекистон халқ ёзувчилари ҳамда хизмат кўрсатган маданият ходимлари, шунингдек, туманда ижод қилаётган ёзувчи ва шoirлар, журналистлар, Қатортол, Эшонгузар қишлоқ фуқаролар йиғинлари маҳалла фаоллари тақдир этилди.

ЭНГ НАМУНАЛИЛАР ТАНЛАНДИ

Оҳангарон маънавий хизмат касб-хунар коллежиди ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги "Камолот" ЁИХ бошланғич таълимоти етакчилари ва сардорлари учун ўқув-семинар ҳамда "Энг намунали бошланғич таълимоти" кўрик-танлови ташкил этилди.

Саида ЭШМАТОВА.

М. МАМЕТОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

кириб кетган бўлишига қарамай, бирортаси алмаштирилмаган. Ичимлик суви қувурларини таъмирлаш ишлари ҳали чала. Маънавият-маърифат ва тўғарақ хоналарини таъмирлашга қўл урилмаган.

Туман эпидемиология назорати маълумотларида келтирилишича, қатор меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларга қарашли дала ҳовлиларида мавсумга тайёрлик ишлари ҳамон ўлда-жўлда. Жумладан, Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи, Оқкўрғон туманидаги 78- ва Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-мактаб-интернатларга қарашли дала ҳовлиларида қуриш, таъмирлаш, тозалаш, ободонлаштириш, жиҳоз ва ускуналарнинг эскирганларини янгиликларга алмаштириш билан боғлиқ барча ташкилий-амалий ишлар чала-чулла бажарилаяпти.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: "Оромгоҳларни ўқув йили тугайдиган вақтга таъмирлаб, жиҳозлаб, тартибга келтириб қўйиш ҳар йили такрорланадиган мавсумий иш эканини наҳотки, айрим раҳбарлар билишмаса, тушунишмаса? Бундай лоқайд раҳбарларни наҳотки, ҳар мавсум олдиндан туртиб, огоҳлантириб туриш шарт бўлса?"

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар), "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.



Саломат бўлинг

БУ ХАСТАЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

Мафтунга турмуш ўртовини яхши ният билан хорижга ишлаш учун жўнатган эди. Тузукроқ пул топиб келса, қизини турмушга бериб, уялини уйлантиришни кўнгилгага тугиб қўйди. Аммо, эри уч йил деганда, ўлар ҳолатда уйга кириб келди. Жарақ-жарақ пуллар у ёқда турсин ўзи касалланд бўлиб қайтди. Мафтунга эрини шаҳардаги энг зўр ташхис марказларида қайта-қайта текширди. Ҳар сафар натижа бир хил - эри ОИТСга чалинганди.

2013 йил - Обод турмуш йили

Обод турмуш йилида, беистисно, ҳамма аҳоли истиқомат жойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидан ташқари бунёдкорлик саъй-ҳаракатлари ҳам оммиавий тус олиши табиий. Аммо, бу навбатдаги компаниябозликка айланмаслиги лозим. Бунинг учун вилоятнинг ҳамма шаҳар ва туманларида қуриш, яратиш ишлари вазият ва эҳтиёжга мос тарзда режалар амалга оширилиши керак бўлади.

РЕЖАЛИ ИШ ЯКУНИ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ



Жумладан, Олмалиқ шаҳар ободонлаштириш бошқармаси тақдим этган маълумотларга қараганда, барча қуриш-таъмирлаш, озодаликни сақлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳар ҳокимлигида тасдиқланган режалар дастури асосида олиб боришмоқда. Ушбу манзилли дастурда белгиланган ишларини амалга ошириш шаҳар ҳокимлиги ва она-бола хайкали атрофларини, Пиримкулов кўчаси темирйўл кўприги олд қисмидаги икита тепаликни, Байналминал жангчилар ҳамда шаҳар рамзи ўрнатилган хиёбонларни ободонлаштиришдан бошланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ХУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги самарасида миллий қадриятларимиз ривож топмоқда. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий хунармандчилигимизнинг баъзи унутилган турлари қайта тикланиб, уларни ёшларга ўргатиш бўйича "Уста-шоғирд" аънъанаси давом этмоқда.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

да кўрсатилган маблагнинг 15 фоизи, яъни 19 миллион, 295 минг 855 сўми пуаратчи ташкилот ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Айна пайтда таъмирлашга тайёргарлик кўриш ишлари бошлаб юборилди.

Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфида 128 километр узунликдаги майда-йирик кўчалар бўлиб, уларни мунгазам таъмирлаб, тартибга кўчалар бўлиб, уларни мунгазам таъмирлаб, тартибга келтириб бориш мақсадида йил дастурига мувофиқ шаҳар бюджетидан 231,1 миллион сўм маблаг ажратилди. Ушбу маблаглар ҳисобидан биринчи навбатда таъмирлаш муҳтож бўлган Тинчлик-1, Тинчлик-2 ва Тинчлик-3 кўчаларини таъмирлаш учун алоҳида режа тузилиб, шаҳар ҳокимлигида тасдиқланди. Смета ҳужжатларини тайёрлаш мақсадида "Пардоз", "Меъмор" ва "Таъмирлош" хусусий фирмалари иштирокида танлов ўтказилиб, "Пардоз" фирмаси тақдим этган тижорат таклифларини маъқул кўриди.

Самад ЙЎЛДОШ, Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Тинчлик кўчаларини мукамал таъмирлашни ишончли пуаратчи ташкилотни танлаб топшириш учун яна танлов ўтказилди. Унда иштирок этган масъулияти чекланган жамиятлардан "Шахристон - Бўстонлик қурилиш сервис"нинг тижорат таклифи танлаб олинди, шартнома тузилди. Ушбу шартнома ниди салқин жойда қурилади. Шу боис, улардан тайёрланадиган буюмлар сифатли, чиройли, чидамли ва харидортигир бўлади.

Шавкат ака ёғоч ўймакорлиги бўйича эгаллаган хунарини ёшларга ўргатиб келмоқда. Ҳозир устанинг етти нафар шоғирди бор. Шавкат акага шоғирд тушиб, шу касба бўлган қизичи ва интилишим янада ошди, - дейди Дилшод Нурмухамедов. - Айни кунда турли кичик кўчалар, эшик ва ром ясаш ҳамда уларга шакл бериш бўйича маҳоратини оширмоқдан. Ниятим - келажакда ёғоч ўймакорлиги бўйича моҳир эса бўлиб, миллий хунармандчилигимизнинг янада ривожланишига ўз ҳиссамни қўйиш.

Фарида КОМИЛОВА, республика Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассиси.

Таълим

ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ДАРСЛАР САМАРАСИ

Ташкил этилганга салкам 50 йил бўлаётган 16-умумтаълим мактаби нафақат Бекобод шаҳри, балки вилоятимиздаги энг нуфузли ўқув даргоҳларидан бири. "Йил мактаби - 2006" кўрик-танловда биринчи ўринни олган бўлса, унинг раҳбари Ортиқжон Матъурова "Йилнинг энг яхши мактаб директори - 2012" республика кўрик-танловининг галоуби бўлди.

Бундай юксак муваффақиятлар, аввало, мактабда таълим-тарбия тўғрисида йўлга қўйилгани, дарс жараёнларида интерфаол усуллардан оқилона фойдаланилаётгани, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш чоралари кўрилатгани самарасидир. - дейди халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Бахтиёр Курбонов. - Мактабда иқтидорли болалар кўпайиб, уларнинг фан олимпиадалари, кўрик-танлов ва ўқув-семинарларидаги иштироки кенгайиб бормоқда.

Мактаб ўқувчилари фан олимпиадалари ва билимлар беллашувларининг шаҳар ва вилоят босқичларида мунтазам муваффақият қозонмоқдалар. Жумладан, 2011-2012 ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадаси ва билимлар беллашувининг вилоят босқичида 9 ўқувчи иштирок этиб, биринчи

ўнликдан ўрин олишти. Фан олимпиадасида математикадан Лочинбек Йўлдошев биринчи, инглиз тилидан Мафтуна Баховиддинова иккинчи ўринни эгаллади. Билимлар беллашувидан эса кимё фанидан Зарина Исмоилова голиб чиқиб, республика босқичида қатнашишга муваффақ бўлди. Эришилган натижалар таълим тизими ва шаҳар раҳбариятини бефарқ қолдирмади. Вазирлар Маҳкамасининг "Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" қарорига асосан 16-мактабда параллел синфлардан биттадан айрим фанлар чуқурлаштирилган синфлар ташкил этилди. Жумладан, танлаб олинган 2-, 4-, 7- ва 8-синфларда математика, 3- ва 6-синфларда она тили ва адабиёти, 5-синфда инглиз тили, 9-синфда кимё фанлари

чуқур ўтиладиган бўлди. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими буйруғига асосан тузилган танлов комиссияси ҳар бир синфга аълочи, илмга чанқок, интилиши баянд, танлаган фани бўйича чуқур билим олишни хоҳловчи иқтидорли ўқувчилардан 27-30 нафарини саралаб олди. Улар аниқ режа асосида ўқитила бошлади. Аввало, ўқитувчилар зарур илмий-услубий қўлланмалар билан таъминланди. Дарслар махсус ўқув дастурлари бўйича ўтилди. Иқтидорли ўқувчиларнинг таълим дастурларини ўзлаштириши юзасидан яқка тартибдаги жадвал ишлаб чиқилди. Айниқса, чуқурлаштирилган йўналишдаги дарслар тўлиқ янги педагогик технологиялар асосида ўтилишига жиддий эътибор қаратилди.

Мен дарс ўтишда баҳамунозар, давра суҳбати каби интерфаол усуллардан кенг фойдаланаман, - дейди инглиз тили фани ўқитувчиси, биринчи тоифали мутахассис Раъно Бойбўтаева. - Бунда ҳамкасбларим ва ўзим таялганларим билан, кўргазмали кураол ва методик маърузалар қўл келмоқда.

Айрим фанлар чуқурлаштирилган синфларнинг ўқув йили давомидаги натижалари таҳлили таълим самарадорлиги анча ошганини кўрсатмоқда. Масалан, математика фани чуқур ўқитилаётган 2-синфда биринчи чорак якуни бўйича ўзлаштириш 87 фоизни ташкил этган бўлса, учинчи чоракда 92 фоизга етди. 4-синфда эса 88 фоиздан 93 фоизга кўтарилди.

Маҳмуда Йўлдошева она тили ва адабиёти фанидан чуқурлаштириб дарс ўтаётган 6-синф натижалари айниқса самарали. Биринчи чорак якуни бўйича олинган имтиҳонга қўра, ўқувчиларнинг ўзлаштириши 86 фоиз бўлса, учинчи чоракда 93, тўртинчи чоракда 95 фоизга кўтарилиши кутилмоқда. Инглиз тили ва кимё фанлари чуқурлаштириб ўтиладиган синфлардаги кўрсаткичлар ҳам аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Мактабнинг айрим фанлар чуқурлаштириб ўтиладиган барча синфларида йил якуни бўйича 95-96 фоиз ўзлаштиришга эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Каримкул МАВЛОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Беллашув



САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгаши ташаббуси билан "Саломатликнинг ёш дўстлари" кўрик-танлови ўтказилди.

Вилоят халқ таълими, фавкулдада вазиетлар, соғлиқни сақлаш ҳамда ишлар босқармалари ва "Соғлом авлод" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган мактаб жамоалари

иштирок этди. Ўқувчи-ёшлар сафда тури, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморларни парваршилаш, шахсий ва жамоат гигиенаси, юкумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш, доривор ўсимликларни

қўллаш, йўл ҳаракати қодалари, эркин мавзу, шунингдек ОИТС ва гиёвандликнинг олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзига доир кўргазмаларни намойиш этишди. Якуний натижаларга қўра, голиблик Урта Чирчиқ туманидаги 72-мактабнинг "Наҳот" жамоасига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Зангиота тумани ва Олмалик шаҳ-

ри жамоалари қўлга киритишти. Голибларга Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

2013 йилда КИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ҲУЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй топиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайндоғи уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равои йўлларга эга;



Ойлангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилган маблағингизни оилавий режасиз ва озуқаларингизга амалга ошириш учун сарфланган;
- Янги уйлар янгида яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратди;

• Янги уйлар Сиз учун узок муддатли сармов ва фарзандлар учун мерос.



Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни қўлайтириш имконияти;
- Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маоин миқдори йиллар давомида қўлайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни - тежамкорлик ва арзон нарслар сарови.



Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узғуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



Маҳкамат, мурожаат қилинг!

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Қамолот" ЁИХ бўлимларига;
- Хотин-қизлар қўшма ташкилатига;
- Қишлоқ қурилиш банк филиалларига, мини банкларига;
- Қишлоқ қурилиш инвестиция филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-93-93
www.gqb.uz
e-mail: headoffice@gqb.uz

"КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ" МЧЖ

бошлангич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдоларига таклиф этилди!

Савдога Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик сўдининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан, "Ясавий Агросервис" МЧЖга тегишли, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ манзилда жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м, қурилиш майдони 1942,73 кв.м бўлган гараж биноси такоран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси - 117 237 316 сўм.

Савдо 2013 йил 10 июнь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтди. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларнинг қабул қилинишни охири муддати: 2013 йил 7 июнь кунни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижроичларини бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишни мўмкин. Талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳўлда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАЙБ Савбон ф-даги: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 та тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамин кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.lkms.uz.

Лицензия: RR-0001.

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошлангич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
22.04.2013	Бекобод шаҳар СИБ	2008 й. и.ч. "Нексия" д.р. 60 М 709 АА	17 333 655	18 450 000
		1992 й. и.ч. "Ваз 2109" д.р. 10 D 8231	2 251 776	2 450 000
		2002 й. и.ч. "Нексия Сонс" д.р. 10 J 772 ВА	16 302 000	17 450 000
23.04.2013	Чирчиқ шаҳар СИБ	"Ока Ваз-111" д.р. 11 Х 2655	1 143 749	1 225 000
	Пискент тумани СИБ	1981 й. и.ч. "ГБ-Газ24-СП" д.р. 10 Т 970 ЕА	2 630 000	2 830 000
25.04.2013	Миробод тумани СИБ	1995 й. и.ч. "Газ 310292" д.р. 01 Х 969 СА	784 664	860 000
		1984 й. и.ч. "Ваз 2106" д.р. 01 Т 784 ФА	2 705 099	2 980 000
		1989 й. и.ч. "Ваз 2107" д.р. 10 Х 3994	7 190 596	7 650 000
29.04.2013	Сув ҳўжалик система-ларининг илмий текширув маркази шўба корхонаси	2009 й. и.ч. "Ласетти" д.р. 01 755 QAA	20 441 700	22 000 000
30.04.2013	Чилонзор тумани СИБ	2010 й. и.ч. "Кантвива" д.р. 01 422 DBA	57 715 000	60 800 000
	Бекобод шаҳар СИБ	1999 й. и.ч. "Ламас" д.р. 10 V 615 DA	6 800 000	7 250 000
03.05.2013	Бекобод тумани СИБ	2006 й. и.ч. "Ламас" д.р. 10 D 364 BA	8 610 000	9 300 000
06.05.2013	Паркент тумани СИБ	1990 й. и.ч. "Уаз 969" д.р. 11 N 3737	781 728 57	860 000
	Олмалик шаҳар СИБ	1979 й. и.ч. "Ваз 2106" д.р. 11 Y 4226	857 831	920 000
	Чилонзор тумани СИБ	1998 й. и.ч. "Мерседес Бенц Е200" д.р. 01 J 655 FA	28 800 000	30 600 000
13.05.2013	Чирчиқ шаҳар СИБ	1989 й. и.ч. "Ваз 21063" д.р. 11 F 1102	2 907 835	3 090 000
		1977 й. и.ч. "Ваз 21011" д.р. 10 H 659 BA	3 049 760	3 260 000
		1993 й. и.ч. "Peugeot" д.р. 10 K 583 EA	5 017 100	5 360 000
	Зангиота тумани СИБ	2009 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 O 398 DA	14 071 000	15 000 000
15.05.2013	Бекобод шаҳар СИБ	1985 й. и.ч. "Уаз-452" д.р. 11 N 2357	561 724	615 000
	Мирзо Улуғбек тумани СИБ	1998 й. и.ч. "Schmitz Sk 024" д.р. 16 C 616	36 166 500	38 450 000
		1999 й. и.ч. "Даймлербенц" д.р. 15 U 0077	50 633 100	54 000 000
20.05.2013	Бектемир тумани СИБ	2009 й. и.ч. "Кантвива" д.р. 01 V 101 BA	50 215 626	53 300 000
	Миробод тумани СИБ	1986 й. и.ч. "Ваз 21063" д.р. 01 A 648 JA	4 193 100	4 470 000
		1994 й. и.ч. "Ваз 21083" д.р. 01 D 728 EA	6 426 425	6 860 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99893) 577-22-12.

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Кўчмас мулк номи ва манзили	Бошлангич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
22.04.2013	Учтепа тумани СИБ	Учтепа тумани СИБ томонидан 13.08.2012 й. № 1-127/12-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11-мавзе, 60-уй, 54-хонадон	45 000 000	50 200 000
	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № П1379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бест плюс сервис х/к худудиди жойлашган 4-сонли савдо дўкони, 4-бўлак	62 490 839	64 750 000
		Зангиота тумани СИБ томонидан № П1379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бест плюс сервис х/к худудиди жойлашган 5-сонли савдо дўкони, 5-бўлак	62 490 839	64 750 000
		Зангиота тумани СИБ томонидан № П1379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бест плюс сервис х/к худудиди жойлашган 1-сонли савдо дўкони, 1-бўлак	81 351 923	86 500 000
25.04.2013	Бекобод шаҳар СИБ	Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 361-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, С. Раҳимов кўчасида жойлашган қурилиш тўғрисидаги "Жисмоний-маданий содломлангичлик комплекси"	150 453 000	159 800 000
30.04.2013	Бекобод шаҳар СИБ	Бекобод шаҳар СИБ томонидан 18.03.2013 й. № 898-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчасида жойлашган қурилиш тўғрисидаги	81 150 297	86 300 000
10.05.2013	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № П1381-сонли ижро варақасига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к худудиди жойлашган автомобиллар тўхташи жойи	486 138 623	505 100 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99893) 577-22-12.

Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, "Сайрам" кўчаси, 15-уйда (эски "Бўз бозор") жойлашган Тошкент вилояти Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг маъмурий биноси (1340м²)ни жорий таъмирлаш учун корхона ва ташкилотлар танлов асосида тендерда иштирок этишга таклиф этилади.

Танлов қатнашчилари қўйидагиларни такдим этишлари сўралади:

- корхона Низоми ва таъсис шартномасидан нусха;
- корхонага хизмат кўрсатувчи банк муассасасидан корхона айланма маблағлари тўғрисидаги маълумот;
- молиявий аҳоли тўғрисидаги (2-форма) ДСИ тасдиқлаган маълумот (дебитор ва кредитор қарздорлиги мавжуд эмаслиги);
- моддий-техник базаси мавжудлиги ва уларнинг рўйхати;
- таъмирланадиган объект бўйича смета-харажатлари ва дизайнерлик таклифлари.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 235-уй.
Мўлжал: вилоят ИИБ шифохонаси ёнида.
Тел.: (8371) 262-69-52, 266-78-68, 266-78-65, (+99891) 162-76-10, (+99898) 307-27-20.

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказилган очиқ кимонли савдога таклиф этилди!

1. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 19.12.2011 й. № 1-553-сонли ижро ҳўжжати асосан 2003 й. и.ч. "Газ 3110", д.р. 10 G 155 СА. Бошлангич баҳоси - 3 339 250 сўм. Бўстонлик тумани СИБ томонидан: 2. 13.11.2012 й. № 1-257-сонли ижро ҳўжжати асосан 1978 й. и.ч. "М 412 ИЭ", д.р. 10 X 213 АА. Бошлангич баҳоси - 935 590 сўм. 3. 25.08.2009 й. № 220/2009-сонли ижро ҳўжжати асосан 1974 й. и.ч. "Ваз 2101", д.р. 11 А 0487. Бошлангич баҳоси - 542 659 сўм. 4. 20.06.2010 й. № 158-2010-сонли ижро ҳўжжати асосан 1989 й. и.ч. "Газ 2417", д.р. 11 М 0152. Бошлангич баҳоси - 873 864 сўм. 5. 18.03.2009 й. № 1-25-сонли ижро ҳўжжати асосан 1988 й. и.ч. "М 412 ИЭ", д.р. 11 Z 8304. Бошлангич баҳоси - 485 207 сўм. Бўстонлик тумани, Ғазалик 2. "Мариян Текстил Сервис" МЧЖ жарима майдончасида сўқинмоқда. Бекобод тумани СИБ томонидан: 6. 16.12.2012 й. № 24806-сонли ижро ҳўжжати асосан 1996 й. и.ч. "Газ 31029", д.р. 11 E 7153. Бошлангич баҳоси - 3 525 000 сўм. 7. 26.02.2013 й. № 25202-сонли ижро ҳўжжати асосан 1987 й. и.ч. "Неузуфарто", д.р. 11 J 9010. Бошлангич баҳоси - 5 007 600 сўм. Бекобод тумани, Ёшилик ХХСКда сўқинмоқда. Кимонли савдо 2013 йил 6 июнь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтди. Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 8. 03.05.2013 й. № 1036-сонли ижро ҳўжжати асосан 1981 й. и.ч. "ГБ-Ваз-2103-СП", д.р. 10 G 884 EA. Бошлангич баҳоси - 1 400 000 сўм. 9. 03.05.2013 й. № 1037-сонли ижро ҳўжжати асосан 1977 й. и.ч. "Ваз 2103", д.р. 11 V 9796. Бошлангич баҳоси - 900 000 сўм. "Бекободсавдо" МЧЖ омиборида сўқинмоқда. Бектемир тумани СИБ томонидан: 10. 10.04.2013 й. № 3389/3-сонли ижро ҳўжжати асосан 1985 й. и.ч. "Ваз 21063", д.р. 10 K 728 BA. Бошлангич баҳоси - 4 127 682 40 сўм. 11. 10.04.2013 й. № 3397/3-сонли ижро ҳўжжати асосан 1980 й. и.ч. "Ваз 2106", д.р. 01 Q 690 NA. Бошлангич баҳоси - 5 095 000 сўм. 12. 10.04.2013 й. № 3388/3-сонли ижро ҳўжжати асосан 1987 й. и.ч. "Ваз 21061 СП", д.р. 01 O 312 JA. Бошлангич баҳоси - 5 400 000 сўм. 13. 10.04.2013 й. № 3391/3-сонли ижро ҳўжжати асосан 1986 й. и.ч. "Ваз 21013", д.р. 01 W 609 GA. Бошлангич баҳоси - 3 786 614 сўм. ТИИБ Ахборот марказида сўқинмоқда. Кимонли савдо 2013 йил 24 июнь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтди. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан СИБ вакили иштирокчи бевосита жойига чиқиб танишни мўмкин. Кимонли савдоларига иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларнинг қабул қилиш кимонли савдоси куниндан бир кун олдин тўхтайтилади. Кимонли савдоларига қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчаси билан тузилган закат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтохтур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Кимонли савдоси ўтказилган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99893) 577-22-12.

Паркент туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Хоми

Кўрғазма

ХОТИРА — АБАДИЙ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида "Хотира — абадий" мавзусида кўрғазмага қўйилган асарларда юртимизда ижод қилаётган, ўзининг бетакрор санъат асарлари билан машҳур бўлган рассомларнинг табиат манзаралари, турли жабҳаларда меҳнат қилаётган инсонлар, ҳаётда ўз ўрнига эга аёл сиймолари, ҳаёт фалсафаси талқин қилинган.

Раҳим Аҳмедовнинг машҳур "Оналик ўйлари" асариде меҳнатда тобланган аёлнинг бироз маънос, шу билан бирга меҳрилу чехрасида ўтмишнинг залворли кунлари қолдирган излар, жигаргўша-си ҳақиқати ўйлари тасвирланган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Кўрик-танлов

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ҳаваскор ижодий жамоаларнинг анъанавий "Санъатим сенга, обод юртим!" кўрик-танлови вилоят босқичи ўтказилди.

САНЪАТИМ СЕНГА, ОБОД ЮРТИМ!

Вилоят касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашган кенгаши ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида юксак савияда ташкил этилган танловнинг турли ёшдаги иштирокчилари бешта йўналиш — вокал санъати, эстрада, миллий рақс (якка ва гуруҳ), мусиқа асбоблари чалиш бўйича голибликни қўлга киритиш учун бор маҳоратларини намойиш этишди.

Ушбу анъанавий танловдан мақсад ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан сақлаш, дунёқараш ва онларини юксалтиришдир. Шунингдек, Ватан, гўзаллик, бағрикенглик, яратувчилик, меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат ҳақидаги миллий оҳанглари ҳамда ифтихор ва инсонларварлик туйғуларини сингдирилган янги йириклар яратилиши учун танлов кенг йўл очди.

— Асосий касбимдан аж-



ралмаган ҳолда, мусиқа, вокал ва рақс санъати билан кўп йилдан бери шуғулланман, — дейди "Максам-Чирчик" ОАЖда техник назорат бўйича муҳандис Алфия Саторова. — Ходимларимиз бадий ижодкорликда ўз қобилиятларини синиб кўришлари ва маҳоратларини янада ошириб боришлари учун

ҳамма шароитлар яратилган. Шундай йирик ва нуфузли танловда иштирок этаётганимдан мамнунман. Чунки, кўрик-танлов санъат оламига янада чуқурроқ кириб боришим, янгигина фикрлаш ва тинмай изланишга амалий ердан берапти.

Кўрик-танлов якунида ҳайъат аъзолари барча йўна-

лишлар бўйича голибликни аниқладилар. Энди улар танловнинг Мустақиллик байрами арафаси — август ойида ўтказиладиган яқунловчи республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ҳангома

Мамат мўйлов шахардан бонг урадиган осма соат олиб келиб, деворга осувди — кўримсизгина айвонга кўрк киргандай бўлди. Бировларнинг буюмларига "бошқоронги" бўлиб юрадиган ён кўшиси Абдурахмон соатни кўрди-ю, уни "хусусийлаштириш"ни ўйлаб қолди. Уша куннинг эртасига у мўйлов билан айвонда гурунглашиб ўтирар экан, ҳар ярим соатда бонг ураётган соатга қараб:

- Мамат ака, манов соатни нимага олдингиз? — деди афтини буриштириб.
— Соатни нимага олади, — деди Мўйлов ажабланиб.
— Бу яхши нарсас эмас!
— Нимаси яхшимас?! — Қошларини эгар қилди Мўйлов.
— Ҳар бонг урганида: "Умрининг кўпи кетиб, ози қолди" дегани гашингизни келтирмайдими?
— Шундай дейдими? — Ҳайратланди Мўйлов. — Эътибор бермаган эканман.
— Ёши ўтган одамга бу соат тўғри келмайди, — билимдонлик қилди Абдурахмон. — Ҳар бонг урганида соғлиқни емирари бу!
— Йўғ-е?!
— Ҳа-да! — деди Абдурахмон жўшиб. — Мен буни бир катта олимнинг "Сири олам" журналида мақоласидан ўқиб билганман.
— Шунчалик, умрга зомин бўлса, бунинг бахридан ўтамиз-қўямиз, — деб Мўйлов ўрнидан кўриб, соатни девордан олиб олди. — Ҳозирок буни мажжақлаб ташлайман...
— Мажжақламанг, увол бўлади, — деди Абдурахмон соатни Мўйловнинг қўлидан юлқиб олар экан. — Ундан кўра, менга бера қолинг.
— Соғлиққа зарар бўлса, сен

буни нима қиласан? — ажабланиди Мўйлов.
— Мени кўяверинг, менга соат у ёқда турсин, атом бўмбаган таъбир қилмайди — терим қалин!
— Теринг қалин бўлса, майли,

бўлде-е-е?!
— Учдан йигирма беш ўтде-е-е! — жавоб қилди Абдурахмон.
— Раҳма-а-ат!
Кўп ўтмай, Мамат яна ховлидан овоз берди:



— кулимсиради Мўйлов. — Унда соат неча бўлганини девор ортдан сўраганда айтиб турасан-да, териси қалин йигит.
— Гап бўлиши мумкинмас, лубой пайт сўранг! — деди Абдурахмон ўйлагандан ҳам осон кўлга киритган соатни кўлтқиқлаб эшикдан чиқаётди.
Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, девор ортдан Мўйловнинг овози эшитилди:
— Абдурахмо-о-он, соат неча

— Абдурахмон, соат неча бўлде-е-е?!
— Тўртдан ўн беш кетде-е-е! Шу йўсиндаги савол-жавоб оқшомгача такрорланиб турди.
...Ярим кечаси Абдурахмоннинг хотини эрини туртиб, уйғотди:
— Хўжайин, хо хўжайин.
— Нима дейсан? — Мингиллади эр.
— Кимдир дарвозани тақиллатяпти!
— Шу маҳалда-я?!

Абдурахмон аранг ўрнидан турди-да, тўнни елкасига елгагай ташлаб, остонадаги шиппакини оёғига олиб, шап-шуп қилиб бориб, дарвоза сиртидаги чироқни ёққач, қалтираб кўча эшикни очди. Ташқарида, мўйловини бураб, Мамат турарди.

— Тинчликми, кўшини? — хавотирланиб сўради Абдурахмон.
— Тинчлик, тинчлик, — Мамат бамайлихотир ёнидан носқовоқни чиқариб, кафтига нос ташлади. — Уйкум қочиб, ҳеч ухломаяман, — у кафтидаги носни тилининг тагига ташлаб, кўшиб қўйди: — Шогат неча бўганикин?

— Шу пайтда соат нечалигини билиш шунча зарилми?! — Абдурахмоннинг энаси қотди.

— Йў-ў-ў, ҳожи жарилмас, — деди Мамат, кейин ён томонга ўгирилиб, носни туфлаб давом этди. — Бугун сахарда сигирни бозорга оборадиганман, шунга субхи козибдан субхи содиққа ўтар паллада айвондан бир бор "Мамат акў-ўў!" деб овоз бериб кўясанми, дегандим.

Абдурахмон Мўйловга тешиб ююргудай қаради-да:
— Ҳозир, бир минут, шу ерда қимирламай туринг! — деди.

Абдурахмон оёғидаги шиппакини тапилаётганда, уйга югуриб кириб кетиб, бир неча дақиқада бонг урадиган соатни кўтариб чиқиб, Маматнинг қўлига тутқазар экан:

— Мана соат, олинг-да, ман нодонни кечиринг! Бошқа сизнинг нарсангизга кўз олайтирмасликка сўз бераман! — деди йиғлағудек бўлиб.

Дилфуза АКБАРОВА.



УЧ ШТАТДА ҚҮЮН ХУРУЖИ

АҚШ миллий метеорология хизмати мутахассислари маълумотларига қараганда, ўтган яқшанба куни бир йўла уч штат — Канзас, Оклахома ва Айовага йиғирма-тага яқин қуюн ёпирилган.

Оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Оклахома штатининг Шауни шаҳрида бир киши табиий офат кўрбони бўлган. Юздан зиёд уй вайронага айланган. Электр симлари узилиб кетиб, 10 мингга яқин аҳоли чироқсиз қолди. Кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилди.

Кучли қуюн таҳдид солаётгани боис Канзас штатининг энг йирик шаҳри Вичита аэропортида эвакуация чоралари кўрилди. Барча авиарейслар бекор қилинди. Маҳаллий аҳолига кўчага чиқмаслик ва табиий офат тинишини махсус хавфсиз жойларда қутиш тавсия этилди.

ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТГА СУЙҚАС

"Покистон адолат ҳаракати" партияси вице-президенти ўлдириб кетилгани ҳақида хабар тарқатди BBC News агентлиги.

Ушбу партия ўтган сайловларда голиб чиққан собиқ бош вазири партияга асосий рақобатчи бўлган эди. Зухра Шаҳид Хусейн Карачи шаҳридаги уйи ёнида отиб ўлдирилди. "Покистон адолат ҳаракати" партияси вакилининг айтишича, аёл ишга отланиб уйдан чиққан пайтда мотоциклда келган уч киши унга яқинлашди. Зухра Хусейн "булар сумкамни ўғирлашмоқчи шекилли" деган хаёлда уни босқинчиларга узатди. Бироқ, номаълум шахслар шу пайтда аёлни мўлжалга олиб ўқ узди. Бошидан ўқ еган аёл уни шифохонага олиб кетаётган тез ёрдам машинасида вафот этди.

Суйқаснинг сабаби номаълум. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари полиция маълумотларига таяниб ёзишича, қотиллик ўғирлик мақсадида содир этилган. Бироқ "Покистон адолат ҳаракати" партияси етакчиси Имран Хоннинг фикри ўзгача. У ушбу қотиллик учун жавобгарлик мамлакат бош вазири бошчилигидаги "Покистон муслмонлар лигаси Н" партияси эгасига тўшади, деди.

CNN агентлигининг таъкидлашича, Карачи ва бошқа бир қатор шаҳарларда суйқасд уюштирилган кўни такрорий сайловлар ўтказилиши лозим эди. Чунки сайлов комиссиясига ўтган сайлов жараёнида кўплаб қонунбузарликлар содир этилгани маълум бўлган, шундай қарор қабул қилинган эди.

СИЁСАТЧИНИ... КЕНГУРУ ЮМДАЛАБ ОЛДИ

Австралия пойтахти ҳуқуқий кўнчиликл мажлиси аъзоси бўлган сиёсатчи Шайн Раттенбрин тасолифан кенгур юмдалаб олгани ҳақида хабар тарқатди ABC News.

Ушбу ғалати ҳодиса ажаблантиради. Уларнинг бундай хуфиёна фитна уюштиришига интилишлари ҳар бирига маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Уйлаймики, қамқол уларнинг ақллариини равшанлаштиради. Ўзлари кириб қолган кўча аслида қаерга олиб боришини тушуниб етдилар.

Бироқ, бизни бошқа нарсас ажаблантиради. Уларнинг бундай хуфиёна фитна уюштиришига интилишлари нонкўрлик эмасми? Ахир бугун юртимизда барча нарсалар қатори эътиқод маънаси ҳам эътибордан четда қолмаганку. Бунинг учун Ўзбекистонда барча шарт-шароитлар муҳайи қилинган. Ибодат қилувчиларга масжидларнинг эшиги ҳамма оқиб. Бошқа фарзларни бажариш учун ҳам ҳеч қандай таъқиқ ёки чеклов қўйилмаган. Қўтулғ айём Рамазон ва Қўрбон ҳайитлари дам олиш кунлари сифатида расман белгилаб қўйилган. Ҳақ амалини бажарувчиларга эса давлат томонидан барча қўлайлик ва имкониятлар яратиб қўйилганининг ўзиёқ бу масаллада ҳукуматнинг нечоғлик адолатпарвар, фуқаропарвар эканини кўрсатади.

Албатта, демократик таъминотлар асосида ривож-



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Бу — КИЗИҚ

КАВУШИГА ҚАРАБ, ФЕЪЛИНИ БИЛ

"Дўст бошга қарайди, душман оёққа..." дейишади. Бизнинг ҳеч кимга душманлигимиз бўлмасда, биров билан кўришиб, сўрашганда беихтиёр оёқ кийимига кўз ташлаймиз. Пойабзалнинг қай аҳволдалиги ўша инсон ҳақида илк тасаввуримизни белгилайди. Узингиз ёқтирган инсоннинг қандай феъл-атворга эгаллигини билмоқчи бўлсангиз, унинг оёқ кийимига зимдан разм солинг.



Сураткаш ҳазили

«Қани, кўрайликчи, нималар ҳақида ёзишди экан?...» caricatura.ru

Орадан минг йиллар ўтсада, халқимизнинг эътиқоди ҳамон мустаҳкам. Юртимиздан кўплаб дин ва дунё илмининг етук мутафаккирлари етишиб чиққанлигининг ўзиёқ, туркий халқларнинг ислом динига ҳурмати ва эътиромидан балиқдан далоят беради.

Бугун, дунёда глобаллашув жараёни кескин давом этаётган бир пайтда айрим кўштироқ чидаги яхшилик тарафдорлари ёвуз мақсадлари йўлида ушбу динни қурол қилиб олаётганлари ҳам бежиз эмас. Чунки, эзгулик дини дея эътиқод қилиб келинган исломдан қабиҳлик мақсадида фойдаланилаётганини кўпчилик хали-ҳануз англаб етмаяпти. Аслида фақатгина ҳокимиятни ағдариш, муслмонлар ўртасида парокандаликни кенг ёйиш, шу орқали бутун бошли мамлакатни эгаллашни мақсад қилганлар ана шундай оми, диний билими етарли бўлмаган, қилаётган ишнинг ортида нималар борлигини кўролмаётган кишилардан усталик билан фойдаланмоқда.

Айниқса, ёшлар уларнинг ўлжасига айланиб қоляпти. Динни ўргатамиз, унинг эзгу мақсадларини амалга оширамиз, дея кўпчиликнинг бошини қотираётганлар асл мақсадларини яширишга ҳаракат қилаётганлар, аммо бунинг уддасидан

Жиноятга жазо муқаррар

МЕЗОН ҲАМ, МЕЪЁР ҲАМ ЎЗГАРМАГАН

Халқимиз азал-азалдан ислом динига эътиқод қўйиб, уни қадрлаган. Чунки бу дин одамларни фақат яхшилик ва эзгуликларга ундшини теран англаб етган. Қолаверса, ушбу дин ўрта Осиё ҳудудиде кенг тарқала бошлаган пайтдаёқ туркий халқларнинг маънавияти, маданияти, маърифати ривожининг асоси ҳисобланган.

чирқолмаётганлар. Бугун жаҳон афкор омасини ўйлантираётган ушбу террорчилик ва экстремистик ақларга асосланган ҳокимиятга интилиш ҳаракати Ўзбекистонни ҳам халақатга кўнган йўқ. Аксинча, унга қарши кураш кундан-кунга фаоллашиб бораёпти. 2011 йил 15 март кунини жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди Кўрган ишга оид маълумотларни кузатар эканмиз, юқоридеги фикрларимиз тўғри эканига яна бир бор амин бўлдик. Судланувчилар Бахтиёр Қаҳоров, Шавкат Эрматов, Жасур Аҳмедов, Мунис Тўрахўжаев, Саидрасул

Иномов, Соҳибжон Деҳқонов, Жамшид Эшматов каби тоғни урса талқон қиладиган йигитлар ҳам билиб-билмай ўз юртлири, ватанларига қарши бораётганларини сезмай қолдилар ёҳуд ўзлари кирган кўнанинг боши берклигини билса-ларда бунга парво қилмадилар. Чунки, уларни кўллаб-қувватловчилар кўнжларини аллақачон пуч ёнғоққа тўлдириб қўйишганди. Улар ислом динини ўрганиш баҳонасида норасмий йиғинлар ўтказиб, Ўзбекистондаги конституциявий ҳукумати ағдариш, жиҳод каби мавзуларда сўхбатлар олиб боришган. Бу ҳам етмагандек, бир пайтлар



Ўзбекистондан қочиб кетиб, чет элнинг пана-пасқамиде яшириниб олиб, турли фитна-фасод ишларни бошлаётганларнинг маърузалари ва чақирикларини кенг тарқатишга ҳаракат қилишган. Судланувчиларнинг уйлари тинтув қилинганде ақидапарастлик, диний экстремизм гоёлари тарғиб қилинган турли ноконуний адабиёт ва бошқа видео, аудио шаклдаги матн ҳамда маърузалар топилган. Судланувчилар суд ва тергов жараёнида айбларига қисман иқдор бўлсаларда, ўзларини оқлаш учун нималарни рўқач қилмадилар дейсиз?

Аммо келтирилган фактлар, аниқланган далилларнинг соясиде уларнинг инкорлари йўқ бўлиб кетди. Ахир бутун дунёда экстремистик гуруҳ деяр таърифлаб келинаётган "Ҳизб ут-Тахрир"нинг кўпорувчилик гоёлари сингдирилган турли варақаларнинг судланувчилар уйларида топилиши уларнинг қанчалик қабиҳ йўлда эканликларини исботламайдими? Қолаверса, уларнинг барча норасмий йиғинларида "жиҳод қилиш", "халифалик тўзумини барпо этиш", "ҳижрат қилиш" каби сўхбат ва маърузалар кенг тарғиб этилгани асл мақсадлари нима эканини аққол кўрсатиб туради. Албатта, демократик таъминотлар асосида ривож-

ланиб бораётган юртимизда бундай қинғирликларга асло йўл берилмайди. Шу сабабли уларнинг қилмишлари ҳам жазосиз қолмайди. Шунга кўра судланувчиларнинг ҳар бирига маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Уйлаймики, қамқол уларнинг ақллариини равшанлаштиради. Ўзлари кириб қолган кўча аслида қаерга олиб боришини тушуниб етдилар.

Бироқ, бизни бошқа нарсас ажаблантиради. Уларнинг бундай хуфиёна фитна уюштиришига интилишлари нонкўрлик эмасми? Ахир бугун юртимизда барча нарсалар қатори эътиқод маънаси ҳам эътибордан четда қолмаганку. Бунинг учун Ўзбекистонда барча шарт-шароитлар муҳайи қилинган. Ибодат қилувчиларга масжидларнинг эшиги ҳамма оқиб. Бошқа фарзларни бажариш учун ҳам ҳеч қандай таъқиқ ёки чеклов қўйилмаган. Қўтулғ айём Рамазон ва Қўрбон ҳайитлари дам олиш кунлари сифатида расман белгилаб қўйилган. Ҳақ амалини бажарувчиларга эса давлат томонидан барча қўлайлик ва имкониятлар яратиб қўйилганининг ўзиёқ бу масаллада ҳукуматнинг нечоғлик адолатпарвар, фуқаропарвар эканини кўрсатади.

Алибек ТУРДИЕВ.

Table with contact information for 'TOHKENT HAQIQATI' newspaper, including address, phone numbers, and website.